project.gov.uz

NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI

ID-5567 (V-1)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори**

# Ички ишлар органларининг қўриқлаш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 4 мартдаги ПФ-42-сон Фармони талабларига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга, хусусан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари объектларига қўриқлаш хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш, қўриқлаш фаолияти соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 мартдаги ПФ–42-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) этиб қайта ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш

бўйича лавозим тариф разрядларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қўриқлаш фаолияти соҳасини мувофиқлаштириш;

шартнома асосида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, таълим муассасаларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, объектларини, жисмоний шахсларни қўриқлаш;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарини қўриқлаш;

жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш-патруллик хизматларини кўрсатиш;

ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларига кўмаклашиш;

қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш, қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш.

қўриқланаётган объектларда ички тартиб ва назорат-ўтказиш режимларини амалга ошириш ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг минтақавий ўқув марказлари мавжуд штат бирликлари, балансидаги асосий воситалар, жиҳозлар ҳамда улар фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига ўтказилсин.

жисмоний ва юридик шахслар билан қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида Департаментнинг ташкилий-штат тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

жисмоний ва юридик шахслар билан қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида Департаментнинг ташкилий-штат

тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Қўриқлаш департаменти ва унинг бўлинмаларига хизматга (ишга) номзодларни танлов асосида саралаб олиш бўйича алоҳида тартибни белгилаш;

қўриқлаш хизматларининг тарифларини (нархларини) Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун мустақил белгилаш.

6. Белгилансинки:

Департамент қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларига фақат Департамент хизмат кўрсатади;

Департамент томонидан қўриқланадиган хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, уларга тенглаштирилган объектларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва янгилаб борилади.

Департаментга қўриқлаш хизматини ташкил этишда қўриқловдаги объектларнинг маъмурияти билан келишилган ҳолда уларнинг видеокузатув камералари, бошқа техник воситалари ва биноларидан фойдаланишга рухсат берилади;

7. Белгилаб қўйилсинки:

2025–2026-ўқув йили учун қўриқлаш бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан берилади;

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани “Файзли” МФЙда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти балансидаги ҳудудда, Қўриқлаш департаменти маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сурхондарё Минтақавий ўқув маркази қурилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ойлик муддатда 2026–2027-ўқув йилидан бошлаб ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига кириш учун бериладиган қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

9. Тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари бўлган вазирлик ва идоралар:

уч ой муддатда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядларининг хизмат ўташ қоидалари, уларнинг ишчи ва хизматчилари кийим-бошлари ва фарқловчи белгиларининг намуналарини ишлаб чиқиб, келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тақдим қилсин;

икки томонлама тузилган режаларга мувофиқ идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг минтақавий ўқув марказларида шартнома асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси балансида бўлган Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармасининг биноси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти балансига ўтказилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда республикада кейинги йилларга қўриқлаш фаолиятини самарадорлигини оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиб тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2021 йил 2 февралдаги ПҚ–4997-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимлар томонидан хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ–5089-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ички ишлар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Д.Б. Кодиров, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш. Мирзиёев**

Республикаси Президентининг 2025 йил “___”
мартдаги ПҚ-____-сон қарорига

илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг ташкилий ТУЗИЛМАСИ**

Ўзбекистон Республикас
Қўриқлаш деп
Т




Штат сони қўриқланадиган объектлар ҳисобидан киритилади.

* давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил “___” мартдаги ПҚ-_____-сон қарори
1-илова

**и Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги**
**артаментининг ташкилий**
**ТУЗИЛМАСИ**



т
ига

ма

и

ик

ш

лик

олик

ар
ш

Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
2025 йил “___” _____даги ПҚ-__сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти тўғрисида НИЗОМ**

**Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг (кейинги ўринларда –Департамент) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, Департамент бошлиғининг асосий функционал вазифаларини белгилайди.

2. Департамент Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти соҳасига оид давлат сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга, ўз ваколати доирасида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, жисмоний шахсларни шартнома асосида қўриқлашга, шунингдек, чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик муассасаларини ҳамда бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни амалга оширувчи ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг (кейинги ўринларда — ИИВ) мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Департамент бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига ҳисоб беради.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

фармойишларига, Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Департаменти давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, жисмоний шахсларни шартнома асосида қўриқлаш бўйича ўз ваколатлари доирасидаги вазифалар ва функцияларни кўрсатилаётган қўриқлаш хизматлари учун тушадиган маблағлар ҳисобига ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, харажатларни қоплаш ва мустақил хўжалик юритиш субъекти тамойили асосида амалга оширади.

Департамент таркибида давлат бюджетидан молиялаштириладиган бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

5. Ички ишлар органларининг қўриқлаш тизими қуйидагилардан ташкил топади:

Департамент;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармалари;

туман (шаҳар) Қўриқлаш бўлимлари;

Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқарма;

Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бошқармаси;

Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини қўриқлаш бўйича алоҳида батальон;

Қўриқлашнинг техник воситаларини жорий қилиш илмий-тадқиқот маркази;

“Радуга” (“Камалак”) болалар оромгоҳи.

6. Кўрсатилган хизматлар учун тушадиган маблағлар ҳисобига Департаментда бошқарма, марказ, бўлим, бўлинма ва гуруҳлар, шунингдек, қўриқлаш фаолияти соҳасини ривожлантириш учун кўп тармоқли режалаштириш ва тадқиқотлар бўйича илмий марказлар, кенгашлар, лабораториялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар ташкил қилиниши ҳамда қўриқлаш фаолиятига оид илмий-оммабоп нашрлар чоп этилиши мумкин.

7. Департаменти ва унинг таркибига кирувчи бўлинмалар шахсий таркиби:

ички ишлар органлари ходимларидан;

меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ишчи ва хизматчилардан иборат бўлади.

Департамент бўлинмаларида хизматни ўташ масалаларининг махсус қонунчиликда тартибга солинмаган қисмига меҳнат қонунчилиги нормалари татбиқ этилади.

8. Департамент юридик шахс ҳисобланади, ўз номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, штампига, ўзининг мустақил балансига (сметасига) эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миллий ва хорижий валютадаги банк ҳисоб варақалари очиш, шунингдек, бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ва улардан даромад олиш ҳуқуқига эгадир.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.

**Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қўриқлаш фаолияти соҳасини мувофиқлаштириш;

шартнома асосида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, давлат умумий ўрта таълим муассасаларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, объектларини, жисмоний шахсларни қўриқлаш;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарини қўриқлаш;

қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳамда тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш, қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш;

шартнома асосида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш,

эксплуатация қилиш ва ишлаб чиқариш;

қўриқланадиган объектларда назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;

оммавий тадбирларда ва аҳоли гавжум жойларда алоҳида режага асосан жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўмаклашиш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш-патруллик хизматларини кўрсатиш.

Департамент қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

10. Юкланган вазифаларига мувофиқ Департамент қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) *қўриқлаш фаолияти соҳасини мувофиқлаштириш соҳасида:*

вазирлик, идора ва муассасалар билан қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш, такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликни амалга оширади, уларга тегишли тавсиялар беради, таклифлар киритади;

қўриқлаш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда иштирок этади, бу борада таклифлар ишлаб чиқади;

шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчи ва хизматчиларини тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда малакасини оширади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчи ва хизматчиларининг формали кийим-бош ва фарқловчи белгиларини келишади;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказади, қўриқлашнинг ташкил этилиши, ишчи ва хизматчиларнинг хизматни ўташи, уларнинг касбий тайёргарлиги, объектларнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозланишини ўрганади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади;

юридик шахсларга идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича шартнома асосида амалий ёрдамлар кўрсатади;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, шунингдек, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан тавсиялар беради, шунингдек, уларнинг объектларида ўғрилик, майда ўғриликларнинг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни амалга оширади;

юридик шахслар томонидан қонунга хилоф равишда қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳолатлари аниқланганда қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди;

2) *шартнома асосида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, давлат умумий ўрта таълим муассасаларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини объектларини, жисмоний шахсларни қўриқлаш соҳасида:*

юридик ва жисмоний шахсларнинг объектлари, мол-мулки, моддий ва бошқа бойликларини, жисмоний шахсларни самарали қўриқлаш-кузатиш борасидаги фаолиятнинг шакл ва усулларини шакллантиради ҳамда амалга оширади;

ўта муҳим, тоифаланган объектлар, кучайтирилган тартибда қўриқланиши талаб этиладиган давлат аҳамиятига молик бошқа объектларнинг қўриқланиши ҳамда мудофаасини ташкил этади ва таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига асосан мол-мулк, моддий ва бошқа бойликларни, жисмоний шахсларни қўриқлаш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатади, шунингдек, уларнинг объектларини қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди ва киритади;

объектларни қўриқлашга жалб этилган саф, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чоралар кўради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан, агар қонунчиликда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, транспортда ташиш

жараёнида қўриқланиши белгиланган юклар, товар-моддий бойликлар, хавфли юкларни қўриқлашни (кузатишни) амалга оширади;

шахсий таркиб билан реалликка яқинлаштирилган шароитларда ҳамкорликдаги ҳаракатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳар томонлама таъминлаш ва бошқариш бўйича тезкор-штаб, махсус-тактик ва тезкор-тактик ўқув машғулотларини ташкил этади ҳамда ўтказади;

аҳолининг Департамент хизматларидан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш мазмунидаги чора-тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўриқлаш фаолиятининг ягона тартиб-қоидалари ва меъёрларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

3) *хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарини қўриқлаш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган рўйхатга асосан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари объектларини, элчилар қароргоҳларини қўриқлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари объектлари, элчилар қароргоҳлари атрофида жамоат тартибини сақлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, элчилар қароргоҳларига қонунчиликда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, шартнома асосида қўриқлаш хизматларини кўрсатади;

4) *қўриқланаётган объектларда ички ва назорат-ўтказиш режимларини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш соҳасида:*

қўриқланаётган объектларда ички, назорат-ўтказиш режимларига риоя этилиши бўйича ишларни назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда ўз ваколатлари доирасида қўриқланаётган объектларда ҳар қандай тажовузларни профилактика қилиш, олдини олиш, бартараф этиш самарадорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

қўриқланадиган объектга ҳамда қўриқлаш бўлинмалари фаолиятига қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситаларини ва сунъий интеллект технологияларини жорий этади;

қўриқланаётган объект ва унга туташ ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини, ваколати доирасида ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштиради, маъмурий чоралар кўради;

5) *қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳамда тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш, қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш соҳасида:*

қўриқланадиган объектга ҳамда қўриқлаш бўлинмалари фаолиятига қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситаларини ва сунъий интеллект технологияларини жорий этади;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганади ва таҳлил қилади, қўриқлаш хизматлари турларини кенгайтириш, такомиллаштириш, ривожлантириш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

моддий-техник базани такомиллаштириш ва ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар грантлари ҳамда маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг ҳомийлик маблағларидан фойдаланади;

қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари, видеокузатув, киришни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда сунъий интеллект технологиялари, дастурий таъминот ва аппарат-дастурий комплекслар, учувчисиз учадиган аппаратлар, кўздан кечириш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда объектлар хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимларини ишлаб чиқади ва Департамент фаолиятига жорий этади;

жорий қилинган ахборот тизимларининг киберхавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

қўриқлаш фаолиятига замонавий қўриқлашнинг техник воситаларини кенг жорий этиш масалалари бўйича маслаҳат-техник кенгашлар, амалий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этади;

қўриқланадиган объектларда фойдаланишга тавсия этиладиган қўриқлашнинг техник воситалари рўйхатини шакллантиради;

қўриқлашнинг техник воситаларининг соз ҳолатда ишлаши ва объектга қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай тажовузлардан ишончли ҳимояси таъминланганлигини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатнома беради;

қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ички ишлар оргналарини хабардор қилган юридик шахсларнинг ҳисобини юритиш, улар томонидан қонунчилик ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини назорат қилади;

6) *шартнома асосида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация қилиш ва ишлаб чиқариш соҳасида:*

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан объектларга қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, ўрнатиш (созлаш), улардан фойдаланиш борасида хизматлар кўрсатади;

қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситаларини профилактика қилиш борасидаги техник регламент ишларини бажаради;

хорижий ва маҳаллий корхоналар билан ҳамкорликда қўриқлашнинг техник воситаларини ишлаб чиқаради;

давлат ташкилотлари ва юридик шахсларнинг буюртмасига асосан дастурий таъминотлар яратади ҳамда уларни ривожлантиради ва такомиллаштиради;

7) *оммавий тадбирларда ва аҳоли гавжум жойларда алоҳида режага асосан жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўмаклашиш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш-патруллик хизматларини кўрсатиш соҳасида:*

шартнома асосида бозорлар, савдо мажмуалари, парклар, хиёбонлар, дам олиш ва жамоат овқатланиш жойлари, туризм объектлари ва савдо-

кўнгилочар муассасаларда, аҳоли гавжум жойларда қўриқлаш-патруль хизмати асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади;

ижтимоий-сиёсий тадбирлар (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этиладиган маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусиқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўриктанловлар ва бошқалар) вақтида шартнома асосида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш хизматларини кўрсатади;

фуқароларнинг оммавий тўпланиш жойларида жамоат тартибини сақлаш ишларида ҳуқуқ-тартибот органларига кўмаклашади, шунингдек, оммавий тадбирлар жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади;

Департамент томонидан қўриқланадиган объектларда хавфсизликни таъминлаш ва уларга туташ ҳудудларда жамоат тартибини сақлашда ИИВнинг тегишли бўлинмалари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилади.

11. Департамент зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда бошқа вазирликлар, қўмиталар ва идоралар билан, шунингдек, ИИВнинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади.

12. Хорижий ишлаб чиқарувчилар, чет давлатларнинг турдош хизматлари билан қўриқлаш фаолиятини такомиллаштириш, илғор тажрибалар ва замонавий технологияларни татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик қилади.

13. Департамент қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

**Департаментнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

14. Департамент зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига тузилган шартномага мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган, қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш, объектларнинг ички, назорат-ўтказиш режимларидаги камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш борасида тақдимномалар киритиш;

қўриқланадиган объект маъмуриятига, мансабдор шахсига, шартнома шартларига мувофиқ қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлашга доир талабларига мувофиқлиги бўйича тақдимнома киритиш;

объектларни қўриқлашда қўриқланаётган объект маъмуриятига тегишли бинолари, иншоотлари, техник ва бошқа воситаларидан фойдаланиш;

қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда учувчисиз учадиган аппаратлардан, улардан ҳимояланиш тизимлари ва воситаларидан фойдаланиш;

тезкор вазифаларни бажаришга мўлжалланган, кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқча билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт (авто ва мототранспорт, электромобиль, катер, квадрацикл, скутерлар) воситаларига эга бўлиш;

объектлари хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарининг атрофида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарининг ишончли қўриқланишига ва хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишни талаб қилиш ва тақдимномалар киритиш;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналаридан уларга тегишли объектларнинг қўриқлаш муҳандислик воситаларини такомиллаштириш, қўриқлаш техник воситалари билан жиҳозлашни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали талаб қилиш;

жамоат хавфсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини қўриқлашни тўлақонли таъминлаш учун ҳудудларда патрулликни ташкил

этиш билан боғлиқ ҳолда техник воситаларнинг бутун комплексидан фойдаланиш;

хорижий ва маҳаллий корхоналар билан ҳамкорликда қўриқлашнинг техник воситаларини ишлаб чиқариш;

юридик шахслардан ўз ваколати доирасида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил қилиш юзасидан ёзма ва оғзаки маълумотларни сўраб олиш;

жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар аниқланганда тегишли қарор қабул қилиш учун тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ички ишлар органларига юбориш;

ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича баённомалар тузиш, маъмурий жазо чораларини қўллаш, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича белгиланган тартибда солинадиган ёки ундириладиган жарималардан ажратмалар олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш;

объектларни қўриқлашга хизмат (қўриқчи) итларни шартнома асосида жалб қилиш;

қўриқланадиган объектларга қонунга хилоф равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хизмат (қўриқчи) итлари ва отларидан фойдаланиш;

қўриқланаётган объектлар назорат-ўтказиш жойлари ва ҳудудларида ноқонуний олиб чиқилаётган (олиб кирилаётган) мол-мулкни аниқлаш ва олиб қўйиш, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатларни аниқлаш учун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, текширилаётган мол-мулк ва атроф муҳитга зиён етказмайдиган замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

ўз ваколати доирасида мансабдор шахслардан тушунтиришлар, маълумотлар ва ҳужжатлар олиш;

қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини текшириш;

Департаментнинг ахборот тизимларига вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари, маълумотлар базаларини интеграция қилиш.

Департамент қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. 15. Департаментга юклатилган вазифаларни амалга оширишда Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

қўриқланаётган объектлар мансабдор шахслари, ишчи ва хизматчилари ҳамда объект ҳудудидаги бошқа шахслардан белгиланган назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларига, шунингдек жамоат тартибига риоя этилишини талаб қилиш;

қўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

қўриқланаётган объектларга ноқонуний кирганлар ёки хизмат ўташ ҳудудларида ҳуқуқбузарлик қилганларнинг шахсини аниқлаш ва маъмурий баённома тузиш мақсадида ушлаш ва қўриқлаш хизмати хоналарига олиб келиш, ушлаб туриш, зарур ҳолларда эса – тегишли қарор қабул қилиш учун уларни ҳудудий ички ишлар органларига топшириш;

муомалада бўлиши чекланган моддалар, шу жумладан қўриқланадиган объект маъмурияти томонидан объектга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) учун тақиқланган предметлар рўйхатига киритилган моддалар бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ва сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда мазкур предметлар, воситалар ва моддаларни олиб қўйиш, шунингдек транспорт воситаларини кўздан кечириш, уларда ташилаётган юкларнинг илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

содир этилаётган жиноятларни тўхтатиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни таъқиб этиш ва ушлаш, бир вақтнинг ўзида бир неча объектда “ташвиш” хабари тушган ҳолларда ички ишлар органлари ва ИИВ тегишли хизматларининг патруль гуруҳларини чақириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш, қўллаш ва улардан фойдаланиш.

Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

16. Департамент қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриш;

объект маъмурияти томонидан Департамент бўлинмалари раҳбарлари билан келишган ҳолда тасдиқлаган кириб-чиқиш йўриқномасига асосан объектда назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимига риоя этилишини таъминлаш;

ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаш;

бўлинмаларда белгиланган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқлаш фаолиятига қўриқлашнинг замонавий техник воситалари ва тизимларини жорий этиши ҳамда улардан самарали фойдаланиш;

бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик бўйича тегишли дастурларда белгиланган машғулотларнинг шахсий таркиб билан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш;

қўриқланаётган объектда, патруллик ҳудудларида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни содир этишга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

хизматни ўташ жойларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирларини амалга ошириш;

қўриқланаётган мол-мулкнинг ўғирланиши ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хўжасизлик ва бепарволикнинг ҳар қандай кўринишига ўз вақтида муносабат билдириш;

хизматга доир ахборотнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаш.

Департаментга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

17. Департамент ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

18. Департаментга юклатилган мажбуриятларни бажаришда Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

қўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиши, белгиланган тартибга ва қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши;

белгиланган тартибда махсус формали кийим-бошини кийиши ва фарқловчи белгиларини тақиб юриши;

ўзига ишониб топширилган хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг, махсус ва техник воситаларнинг, шахсий ҳимоя воситаларининг ҳамда мол-мулкнинг хавфсиз ва лозим даражада сақланишини таъминлаши;

қўриқланадиган объектлардаги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиши;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши;

қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни амалга ошириши;

ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ҳаётига ва соғлигига зарар етказилган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиши ёки шундай ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

қўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисаларнинг излари сақланишини таъминлаши;

хизматни ўташ жойларида жамоат тартибини сақлаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга чек қўйиши;

қўриқланадиган объект маъмурияти томонидан қўриқланаётган объектга олиб кирилиши (ундан олиб чиқилиши) тақиқланган предметлар рўйхатига киритилган буюмлар, воситалар, қуроллар ва ускуналарни объект ҳудудига олиб кирилишига (олиб чиқилишига) йўл қўймаслиги;

қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган хизматга доир ахборотнинг ва бошқа ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

ўз ваколатлари доирасида жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўриши;

**Департаменти фаолиятини ташкил этиш**

19. Департаментга Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти бошлиғи (кейинги ўринларда – Департамент бошлиғи) бошчилик қилади.

Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

20. Департамент бошлиғи:

Департамент фаолиятини ва бевосита бошқарувини ташкил этади ва юклатилган вазифалар, мажбуриятларни самарали ва сифатли амалга ошириш учун шахсан масъул бўлади;

тасдиқланган смета доирасида пул маблағлари сарфланишини бошқаради, белгиланган тартибда банкларда ва уларнинг филиалларида жорий ва бошқа ҳисоб варақлари очади;

тинчлик ва фавқулодда ҳолат даври, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзасидан махсус режалаштириш ва ҳарбий сафарбарлик масалаларини ташкил этади ва назорат қилади;

ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда Департаментнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Департамент ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотларда,

маҳаллий ва хорижий компанияларда Ички ишлар вазирлиги номидан вакиллик қилади;

камомаддан, растратадан, ўғирликдан кўрилган ва суд томонидан ундириб олиш рад этилган зарарларни, қайтариб олишнинг иложи йўқ деб ҳисобланган бошқа қарзларни, аниқ айбдорларни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда бойликларнинг меъёрдан ортиқча миқдорда табиий бузилиши туфайли кўрилган зарар ва йўқотишлар туфайли етишмаган бойликларни, шунингдек, асосий фондлар ҳисобида бўлган маънавий эскирган ва келгусида фойдаланишга яроқсиз асбоб-ускуналарни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

Департамент депозит ҳисоб варақларини очади ва бўш пул маблағларини тижорат банкларига жойлаштиради;

Департаментда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, киберхавфсизликни таъминлаш учун масъул ҳисобланади;

Департамент ходимларини давлат мукофотига тавсия этиш ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш бўйича белгиланган тартибда таклиф киритади;

Департамент бўлинмалари ташкилий тузилмаси ва штатларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритади;

Департамент бошқармаларининг низомларини, бошқарув аппарати режаларини ва мансабдор шахсларининг функционал вазифаларини тасдиқлайди;

Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчиларини белгиланган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколати доирасида Департамент бўлинмаларида йўл қўйилган қонунчилик, хизмат ва меҳнат интизоми бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текшируви ўтказилишини тайинлайди;

лавозимлар номенклатурасига мувофиқ Департамент бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказади;

Департамент бошқарма, бўлимлари бошлиқларининг қонунчилик ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган буйруқлари, қарорларини бекор қилади;

Департамент бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларини белгиланган тартибда рағбатлантиради ва уларга интизомий жазо беради;

Департаментнинг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари, хизмат кўрсатиш ходимлари штатларини тасдиқлайди, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади;

шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ишларни ташкил этади, Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмаларида штат-молия интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Департамент фаолиятининг барча масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради, ушбу ишлар ташкил этилишини назорат қилади;

ишлаб чиқилаётган қўриқлашнинг техник воситалари, қўриқлаш бўлинмаларининг бино ва иншоотларини, техник қўриқлаш марказлари қурилишининг намунавий лойиҳалари техник шартларини келишади, техник топшириқларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Департамент ходимлари томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича белгиланган тартибда солинадиган ёки ундириладиган жарималардан ажратмаларни тақсимлаш тартибини белгилайди;

қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқларига мувофиқ Департамент ваколатига тегишли бўлган бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Департамент бошлиғи ўз тавсиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ўринбосарларига эга бўлади.

Департамент бошлиғи бўлмаган пайтларда, унинг вазифаларини Департамент бошлиғининг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

22. Департамент Бошқарув аппарати:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

Департамент Бошқарув аппарати департамент, бошқарма, бўлим, бўлинма ва гуруҳлардан иборат бўлиб, Департамент бўлинмалари фаолиятини

ташкил этади, бошқаради ва мувофиқлаштиради;

Департамент фаолиятини рақамлаштириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизмат турларини такомиллаштириш юзасидан шартнома асосида ташкилотлар ҳамда мутахассисларни жалб этади;

қўриқлаш соҳаси фаолиятидаги муаммоларни ўрганади ва консультациялар олади, шу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш учун шартнома асосида ташкилотлар ва мутахассисларни жалб этади;

бюллетень, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, конференциялар материалларини нашр этади;

комиссиялар, кенгашлар ва бошқа маслаҳат органларини, шу жумладан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тегишли тузилмалари вакиллари иштирокида ташкил этади;

тегишли вазирликлар ва идораларнинг махсус таълим муассасалари маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланади;

корхона, ташкилотларга қўриқлаш фаолиятини тартибга солишга доир тақдимномалар киритади;

қўриқлаш фаолияти соҳасида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва бошқа материалларни вазирликлар ва идоралардан белгиланган тартибда сўраб олади;

қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари, ёнғинга қарши техник ҳимоя воситалари, видеокузатув, киришни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда сунъий интеллект тизимлари, дастурий таъминот ва аппарат-дастурий комплекслар, учувчисиз учадиган аппаратлар, кўздан кечириш қурилмаларини ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларини реализация қилади;

Департамент ваколати доирасига кирувчи масалаларда турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

Департаментнинг ташкилий-штатлар ва кадрлар ишларини амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Бошқарув аппаратининг сақлаб туриш харажатлари Департамент томонидан кўрсатилаётган қўриқлаш хизматлари учун келиб тушаётган

молиявий маблағлар ажратмалари ҳисобидан амалга оширилади.

Департаментнинг молия-хўжалик фаолиятини ташкил этади;

объектларни сигнализация воситалари билан жиҳозлаш бўйича монтаж-созлаш ишлари, қўриқлашнинг техник воситалари бўйича тадқиқотларни ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарини ташкил қилади ҳамда мулкдорларга бошқа хизматлар кўрсатади;

объектларда қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг бажарилишини, тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкиллаштиради;

қонунчиликка мувофиқ халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

Департамент бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектлар рўйхатлари лойиҳасини ишлаб чиқади;

давлат томонидан мажбурий қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхати ҳамда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлашни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Департамент ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан ИИВга таклифларни, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритади;

Департамент бўлинмаларининг ахборот ва коммуникация тизимини жорий этади ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

бўйсунувчи бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг, назорат қилишни, бошқаришни, жорий ва истиқболли режалаштиришни амалга оширади, уларга юклатилган вазифаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

Департамент бўлинмалари фаолияти бўйича статистик маълумотларни, ахборот ва бошқа материалларни умумлаштиради, таҳлил қилади, бўлинмаларнинг хизмат фаолияти масалалари бўйича маълумотлар базасини яратади;

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармалари:

мустақил таркибий бўлинма ҳисобланиб, тегишли ҳудудда Департамент зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъект сифатида мустақил юридик шахс ҳисобланади, бўйсунувчи ва таркибий бўлинмалар, туман (шаҳар) Қўриқлаш бўлимларининг фаолиятни ташкиллаштиради, белгиланган тартибда молия-хўжалик, моддий-техник ва кадрлар таъминотини амалга оширади;

қўриқлаш хизматини ташкил этишда, кадрлар таъминоти, молия-хўжалик фаолиятини ташкиллаштиришда бевосита Департамент бошлиғига бўйсунади;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида кўмаклашади.

24. Туман (шаҳар) Қўриқлаш бўлимлари ва алоҳида батальонлар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаларининг таркибий бўлинмаси саналиб, туман (шаҳар) ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга бевосита қўриқлаш хизматлари кўрсатилишини таъминлайди;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида кўмаклашади.

25. Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқарма:

мустақил таркибий бўлинма бўлиб, шартнома асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида жойлашган давлат органлари объектларининг қўриқланишини ва туташ ҳудудларида жамоат тартибини таъминлайди;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида кўмаклашади.

хўжалик юритувчи субъект сифатида мустақил юридик шахс, бўйсунувчи ва таркибий бўлинмаларнинг фаолиятни ташкиллаштиради, ўрнатилган тартибда кадрлар, молиявий ва моддий-техник таъминотини амалга оширади;

26. Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бошқармаси:

кўллар тизими ва унинг атрофида балиқ овлаш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш соҳасида қонун бузилиши ҳолатларини барвақт олдини олиш ва аниқлашга қаратилган патруллик ҳамда қўриқлаш-техник тадбирларни амалга оширади;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида кўмаклашади;

кўллар тизими атрофида жойлашган экологик ва овчилик туризми инфратузилмаси, шунингдек, бошқа объектларда жамоат тартибини сақлаш, балиқчилик ва сув иншоотларининг қўриқланишини таъминлайди.

27. Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини қўриқлаш бўйича алоҳида батальон:

мустақил таркибий бўлинма бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, давлат бюджетидан молиялаштирилади;

белгиланган рўйхатга асосан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари объектларини, элчилар қароргоҳларини қўриқлашни амалга оширади, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар тасарруфидаги объектларни, элчилар қароргоҳларини шартнома асосида қўриқлашни амалга оширади.

28. Қўриқлашнинг техник воситаларини жорий қилиш илмий-тадқиқот маркази:

бошқарма ҳуқуқидаги мустақил таркибий бўлинма, юридик шахс ҳисобланади, шартномалар асосида тушаётган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг миқёсда жорий этилишини, замонавий қўриқлашнинг техник воситалари, тизимлари ва қурилмаларининг синовдан ўтказилишини, амалиётга татбиқ қилинишини, илмий-текшириш, изланиш, тажриба ишларини ташкил этилишини амалга оширади;

шартнома асосида қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишларда мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини амалга оширади;

шартнома асосида қўриқлашнинг техник воситалари ва тизимларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаради;

хорижий ва маҳаллий ташкилотлар (корхоналар) билан ҳамкорликда қўриқлашнинг техник воситалари ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаради;

жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хизматларни кўрсатади.

29. “Радуга” (“Камалак”) болалар оромгоҳи:

Устав асосида фаолият юритадиган мустақил таркибий бўлинма бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, ИИВ ходимларининг фарзандларининг дам олиши, соғломлаштирилиши бўйича хизматлар ва пуллик хизматлар кўрсатади, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий ҳордиқларини ташкиллаштиради, шартнома асосида фуқароларга дам олиш, соғломлаштириш хизматларини кўрсатади.

**Департамент томонидан қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш**

30. Департаменти бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган объектларни ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра уларнинг мол-мулкини, объектларини ва жисмоний шахсларни шартнома асосида қўриқлаш амалга оширилади.

31. Қўриқлаш хизмати кўрсатилиши қўриқлаш нарядлари фаолиятини ташкил этиш – жисмоний қўриқлаш ҳамда қўриқлашнинг техник воситалари – техник қўриқлаш орқали амалга оширилади.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда мол-мулк, моддий товар бойликларнинг ишончли сақланишини таъминлаш, объектлар хавфсизлигини назорат қилиш имконини берувчи бошқа услублар, воситалар, жиҳозлардан фойдаланишга рухсат этилади.

32. Жисмоний қўриқлаш қуйидагилардан иборат:

тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар;

қўриқлаш-патруль хизмати;

қўриқлаш йўналишлари;

қоровул постлари;

ҳарбийлаштирилган қўриқлаш постлари;

сафдаги қўриқлаш постлари;

жисмоний шахсларни қўриқлаш-кузатиш хизмати.

33. Жисмоний қўриқлашни амалга ошириш учун штат бирликлари қуйидаги тартибда ва меъёрларда белгиланади:

сафдаги қўриқлаш ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш учун 24 соатлик постга 6 штат бирлиги;

Қўриқлаш хизматларини кўрсатиш учун штат бирликлари амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, кўрсатиладиган қўриқлаш вақти ҳисобидан киритилади. Штат бирликларига иш куни ва иш соатларидан келиб чиқиб, ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўта муҳим, тоифаланган объектларни қўриқлаш учун штат бирликлари меъёри тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра белгиланади.

Қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун штат бирликларини киритиш меъёрлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан белгиланади.

қўриқлаш-кузатиш йўналишларининг штат бирликлари юқоридаги меъёрлар, йўналишдаги объектлар, наряддаги ходимлар сони, кузатиладиган моддий-товар бойликлар, буюмларнинг миқдори, ҳажми ва қийматидан, хизмат ўташ вақтидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

қўриқлаш йўналишлари, қўриқлаш-патруль хизмати, жисмоний шахсларни қўриқлаш-кузатиш хизматининг штат бирликлари юқоридаги меъёрлар ва наряддаги ходимлар сони, хизмат ўташ вақтидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

қоровул постлари учун 24 соатлик постга 4,5 штат бирлиги жорий этилади;

Зарур ҳолларда объектларни жисмоний қўриқлашда объект маъмурияти билан келишган ҳолда шартнома асосида махсус тайёргарликдан ўтган хизмат ҳайвонларидан (от ва ит) фойдаланилиши мумкин.

34. Техник қўриқлаш қуйидагилардан иборат:

“ташвиш” сигнализация тизими.

қўриқлаш сигнализацияси тизими;

Техник қўриқдаги объектни янада ишончли қўриқлашни таъминлаш учун объект маъмурияти билан келишилган ҳолда видеокузатув, киришни назорат қилиш ва бошқариш тизимлари билан жиҳозлаш мумкин.

Техник қўриқдаги объектдан “ташвиш” хабари тушганда, объект жойлашган манзилга зудлик билан етиб бориш, уни кўздан кечириш, ўраб олиш ва ҳуқуқбузарларни ушлаш ҳамда объектни қайта қўриққа олиш учун смена давомида 3 нафар ходимлардан иборат автотранспортда ёки 2 нафар ходимлардан иборат мототранспортларда тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар хизмати ташкил этилади.

35. Объектни қўриқлашни ташкил этишда унинг жойлашуви ва хусусияти, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик даражаси, назорат-ўтказиш пунктларининг турлари, сони, ҳудуддаги криминоген вазият ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинади.

Объектнинг қўриқлаш тизими объект маъмурияти ва қўриқлаш хизмати вакилларининг ҳамкорлигида белгиланади.

Ўрганиш натижаларига кўра қўриқлаш усуллари, постлар (йўналишлар) сони, уларнинг жойлашуви, қўриқлаш вақти, шунингдек, қўриқлашнинг техник воситаларини қўллаш орқали қўриқлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилади.

36. Объектларни қўриқлаш учун постлар, йўналишларни қўйиш ҳамда қўриқлаш нарядлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг қоидалари ва шартлари, тартиби, усул ва услублари Департамент томонидан, шунингдек, тегишли вазирликлар, қўмиталар ва идоралар билан ҳамкорликда белгиланади.

37. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилади.

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни қўриқлашга жалб этилган нарядлар қўриқланаётган объект маъмурияти томонидан мажбурий тартибда барча лозим жиҳозлар, воситалар, мебеллар билан жиҳозланган қоровулхона, маданий ва маиший хизмат хоналари, алоқа воситалари, лозим ҳолларда эса автомототранспорт воситалари, катерлар ва қайиқлар билан таъминланади.

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларда объектнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган видеокузатув тизимлари объект маъмурияти билан келишилган ҳолда Департаментнинг Ахборот-таҳлил ва мониторинг марказига интеграция қилинади. Бунда ушбу мақсадлар учун сарфланадиган молиявий сарф-харажатлар объект маъмурияти ҳисобидан амалга оширилади.

38. Техник қўриқлаш томонидан кўрсатилаётган хизматнинг ҳаммабоплигини таъминлаш мақсадида Департаментга амалдаги тарифларни фоиз ҳисобида камайтирган ҳолда хизмат кўрсатишга рухсат этилади. Бунда объектлар алоҳида гуруҳларга (ижтимоий аҳамияти, сақланаётган моддий-товар бойликлар миқдори, сони ва бошқаларга асосан) таснифланади. Объектларни гуруҳларга таснифлаш тартиби Департамент бошлиғи томонидан белгиланади.

39. Департамент бўлинмаларининг фаолияти қуйидаги асосий нормативлар ва мезонлар билан баҳоланади:

бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлик ҳолати, ўқув машқлари ва машғулотларининг сифати;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмаларининг назорат текширувини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш;

кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш, қўриқланаётган объект ва фуқаролар хонадонлари сонининг ошиши;

замонавий қўриқлаш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда кўрсатилаётган техник хизматнинг сифати;

объектларни қўриқлаш бўйича фаолиятнинг самарадорлиги, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши;

шахсий таркибнинг касбий тайёргарлиги сифати ва ахлоқий-руҳий ҳолати, Департамент бўлинмаларида хизмат интизоми ва қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг даражаси.

40. Департамент ходими, ишчи ва хизматчиси давлат органи вакили ҳисобланади ва давлатнинг ҳимояси остида бўлади.

Қонунда тўғридан-тўғри ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким Департамент ходимининг (хизматчисининг) қонуний фаолиятига

аралашиш, қонунчилик ҳужжатларига асосан Департамент зиммасига юклатилмаган вазифаларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Департамент ходими, ишчи ва хизматчиси хизмат вазифасини бажариш жараёнида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига (командирига) бўйсунади. Фақат ушбу шахслар уни наряддан озод қилиш ёки алмаштириш ҳуқуқига эга.

41. Департамент шахсий таркибидан шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларига кўмаклашишда, жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда фойдаланилади.

42. Хизматни ўтаётган ходим (хизматчи) қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда, уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда бу ҳақда бошлиғига (командирига) ахборот бериши шарт.

Ички ишлар вазири ёки Департамент бошлиғининг буйруғига мувофиқ Департамент шахсий таркиби алоҳида тоифадаги қўриқлаш тадбири ҳамда оммавий тадбирларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш тадбирларига жалб этилиши мумкин.

43. Департамент шахсий таркиби касбий тайёргарликдан, шунингдек, жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун йилига бир маротаба текширувдан ўтадилар.

44. Департамент мансабдор шахсларга объектларнинг қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалар билан жиҳозлашдаги камчиликларни бартараф этиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга, шартномавий мажбуриятларни бажаришга, моддий бойликлар сақланишини таъминлашга ва Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга ва меҳнатни муҳофазасига қаратилган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга. Белгиланган тартибда расмий огоҳлантириш чиқаради.

45. Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, шунингдек, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлик учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

46. Департамент хўжалик юритишда (оператив бошқарувда) ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради, мажбуриятларни бажариш юзасидан судда даъвогар ва жавобгар бўлади.

**Юридик шахсларнинг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмаларида инспекторлик назорат текширувларини ўтказиш ва мувофиқлаштириш**

47. Инспекторлик назорат текширувлари юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашда ягона сиёсат юритилишини таъминлаш ҳамда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

48. Вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва ташкилотлар объектларининг (Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва уларга бўйсунувчи юридик шахслар ва улар томонидан қўриқланадиган объектлар бундан мустасно) инспекторлик назорат текширувлари режа асосида, ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан уларга тегишли объектларда ҳам шартнома асосида инспекторлик назорат текширувлари ўтказилиши мумкин.

49. Инспекторлик назорат текширувлари объектни қўриқлаш бўлинмаси раҳбарлари ва объект маъмурияти вакиллари иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда ички ишлар органларининг вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб қилинган ҳолда амалга оширилади.

50. Инспекторлик назорат текшируви жараёнида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровулликнинг ташкил

этилганлик ҳолати, уларнинг ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар, объектнинг қўриқлашнинг техник воситалари ва видеокузатув тизимлари ҳолати ўрганилади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятининг назорат текшируви ва мувофиқлаштириш жараёнида объектнинг қўриқланишини ташкил этиш, хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа масалалар ҳам ўрганилади.

51. Инспекторлик назорат текшируви натижалари бўйича далолатнома тузилади ва у иштирок этган вакиллар томонидан имзоланади. Далолатнома объект маъмурияти ва Департамент вакили томонидан тасдиқланади.

52. Департамент белгиланган вақтда назорат тариқасида инспекторлик текширувини ташкил этади.

Ўтказилган инспекторлик назорат текширувлари натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар тегишли тақдимномалар билан биргаликда текширув ўтказилган вазирликлар, қўмиталар ва идораларга тақдим этилади.

Тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар томонидан, инспекторлик назорат текширувлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида белгиланган муддатларда асослантирилган маълумотнома Департамент бўлинмаларига тақдим этилади.

Давлат мулкининг бутлигини ва хавфсизлигини таъминлашда аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этилишини таъминламаган идоралар раҳбарларига қонунчиликка мувофиқ тегишли чоралар кўрилади.

53. Инспекторлик назорат текширувини режалаштириш, ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан белгиланади.

**Департаментнинг молия-штат интизоми, моддий-техник таъминоти**

54. Департамент ўз маблағлари ҳисобига хизмат биноларини лойиҳалаштириши ва қуриши ҳамда хизмат биноларини қуришда улуш ҳисобида иштирок этиши мумкин.

55. Қўриқланаётган объектлар маъмуриятлари томонидан объектнинг ёки жисмоний шахснинг бевосита қўриғини таъминлаш учун моддий-техника воситалари ва хизмат хоналари ажратилади.

56. Қўриқлаш хизматини кўрсатиш фаолиятидан тушадиган маблағлар мақсадли равишда – фақат Департаментни таъминлаш ва ривожлантириш учун сарфланади.

Кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати учун тушадиган маблағлар ҳисобидан қўриқлаш хизматининг ташкилий тузилмасига кирмайдиган штатларни жорий этишга йўл қўйилмайди.

57. Департамент бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари (нархи) Департамент томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда, бошқа ташкилотлар учун — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан мустақил тарзда тасдиқланади.

58. Департамент зиммасидаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ўқ-дори, махсус воситаларни ва қурол-аслаҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан харид қилади.

59. Департамент ва унинг таркибий бўлинмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, хўжалик операцияларини ҳисобга олиш (бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштириш), шунингдек, унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

60. Департамент молия-хўжалик фаолиятини текшириш Департамент ва Ички ишлар вазирлиги Назорат-тафтиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

61. Департамент ва унинг бўлинмалари харажатлар сметалари ва штат жадваллари молия органларида қайд этилмайди, бундан давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган бўлинмаларга (ходимлар) оид қисми мустасно.

62. Департамент бўлинмалари бошқарув аппаратлари штатлари сони қўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари умумий сонининг тўрт фоизигача миқдорда белгиланади.

Департамент саф бўлинмаларида командирлар таркиби ва таъминот хизмати штат бирликлари сони қўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари умумий сонининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Департамент бўлинмалари ўзининг маъмурий биноларини қўриқлаш учун ўз маблағлари ҳисобидан штат бирликларини киритиши мумкин. Ушбу штат бирликларидан фақат белгиланган вазифани амалга оширишда фойдаланилади.

Қўриқлаш хизмати кўрсатишни таъминлаш учун Департамент бўлинмаларига штат бирликларини киритиш меъёри шартномаларда кўрсатилган қўриқлаш вақти ва постлар (йўналиш) сонини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

63. Департамент ходимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган намунадаги хизмат гувоҳномаси ва жетон берилади.

**Департамент ходимларининг ижтимоий ҳимояси**

64. Департамент ходимларига, уларнинг оила аъзоларига ва захирага ёки истеъфога бўшатилганларга ички ишлар органларининг тиббий муассасалари, шунингдек, қўриқланаётган объектларнинг поликлиникалари, касалхоналари, санаторийлари, дам олиш уйлари, мактабгача таълим муассасалари томонидан ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатилади.

65. Уй-жой олиш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган Департамент ходимлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой майдонини олиш ҳуқуқига эга.

Департамент ўзининг уй-жой фондига эга бўлишига ҳақли.

66. Департамент ходимларига хизматни ўташ даври давомида уй-жой қуйидагилар ҳисобидан берилиши мумкин:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобидан;

ИИВ ҳисобидан;

объектлари ва мол-мулки қўриқланаётган ташкилотлар томонидан уларнинг ходимлари ва хизматчилари билан умумий асосларда;

Департаментнинг ўз маблағларига қурилган уй-жой фонди ҳисобидан.

Ётоқхонага эга бўлган ташкилотлар шартнома асосида улардан Департамент бўлинмалари ходимларига турар-жой берадилар.

67. Меҳнат шароитлари соғлиқ учун зарарли бўлган объектларда хизмат қилувчи Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш (аттестация) натижаларига биноан имтиёз ва қулайликлардан фойдаланадилар.

Қўриқланаётган объектлар маъмурияти ўз хизмат вазифасини виждонан бажараётган Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчиларини тақдирлаши, шунингдек, қўриқлаш бўлинмаларининг бино ва иншоотлари, автотранспорт воситаларини таъмирлаши ва бошқа моддий харажатларни амалга ошириши мумкин.

68. Департамент ходимлари, ишчи ва хизматчилари бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Ашёвий таъминот нормалари, шунингдек, формали кийим-бошни кийиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

69. Департамент ходимлари озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, пенсия ва тиббий таъминот билан таъминланадилар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Департаментнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини санаторийлардаги санаторий-курорт даволанишини таъминлаш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

70. Департамент ва унинг бўлинмаларининг:

ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шарт ва миқдорларда амалга оширилади.

ходимларига пул таъминоти ички ишлар органларининг ушбу тоифадаги ходимлари учун белгиланган шарт ва миқдорларда;

71. Қўриқлаш департаменти ва унинг бўлинмаларининг ходимлари ҳамда ишчи ва хизматчиларига ички ишлар органларининг ушбу тоифадаги ходимлари учун белгиланган моддий ёрдам бериш, моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда мукофот ва тақдирлаш жамғармасини шакллантириш ва сарфлаш тартиблари татбиқ этилади.

Қўриқлаш департаменти ва унинг бўлинмаларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ходимлар ҳамда ишчи ва хизматчилар, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари департамент бошлиғи томонидан амалда мавжуд жамғармалар ҳисобидан тўланадиган мукофот
ва рағбатлантиришлардан ташқари қўшимча рағбатлантирилиши мумкин.

**Якунловчи қоидалар**

72. Департамент фаолиятини ташкил этишнинг ушбу Низом билан тартибга солинмаган қисми бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниши мумкин.

73. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
2025 йил “___”_______ПҚ – ________-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш департаменти ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим тариф разрядларининг**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лавозимлар номи | ЯТС бўйича тариф разряди | ЯТС бўйича белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш тариф разрядларига кўра лавозим маошларига коэффициент қўлланилиши |
|---|---|---|---|
| 1 | Бош директор | 14 | - |
| 2 | Бошқарма бошлиғи, оромгоҳ бошлиғи, марказ бошлиғи, директор | 14 | - |
| 3 | Бош директорнинг ўринбосари, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, оромгоҳ бошлиғининг ўринбосари, марказ бошлиғининг ўринбосари, директор ўринбосари | 13 | - |
| 4 | Бўлим бошлиғи, хизмат бошлиғи, марказ бошлиғи, | 12 | - |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | лаборатория бошлиғи | | |
| 5 | Бўлим бошлиғининг ўринбосари, хизмат бошлиғининг ўринбосари, марказ бошлиғининг ўринбосари, лаборатория бошлиғининг ўринбосари | 11 | - |
| 6 | Бош: мутахассис, муҳандис, инспектор, юрисконсульт, бухгалтер, иқтисодчи, психолог, тафтишчи | 11 | - |
| 7 | Бўлинма бошлиғи | 10 | |
| 8 | Етакчи: мутахассис, муҳандис, инспектор, юрисконсульт, бухгалтер, иқтисодчи, психолог | 9 | - |
| 9 | “Call-center” оператори | 9 | - |
| 10 | Мутахассис, муҳандис, инспектор, бухгалтер, иқтисодчи, кадрлар бўйича инспектор, психолог<br>1-тоифа<br>2-тоифа | 6<br>8<br>7 | - |
| 11 | Тасвирга олиш бўйича оператор<br>1-тоифа<br>2-тоифа | 4<br>6<br>5 | - |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 12 | Омбор мудири | 6 | - |
| 13 | Комендант | 5 | - |
| 14 | Бошқарув пульти навбатчиси, диспетчер | 5 | - |
| 15 | Отряд бошлиғи:<br>I-гуруҳ<br>II-гуруҳ<br>III-гуруҳ | <br>9<br>8<br>7 | 2 баравар |
| 16 | Отряд бошлиғи ўринбосари:<br>I-гуруҳ<br>II-гуруҳ<br>III-гуруҳ | <br>8<br>7<br>6 | 2 баравар |
| 17 | Алоҳида команда бошлиғи:<br>I-гуруҳ<br>II-гуруҳ<br>III-гуруҳ | <br>7<br>7<br>6 | 2 баравар |
| 18 | Отряд таркибидаги команда бошлиғи:<br>I-гуруҳ<br>II-гуруҳ<br>III-гуруҳ | <br>7<br>6<br>6 | 2 баравар |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 19 | Гуруҳ (қоровул) бошлиғи | 6 | 2 баравар |
| 20 | Объектни қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи:<br>I-синф<br>II-синф | <br>5<br>4 | 2 баравар |
| 21 | Старшина | 6 | 2 баравар |
| 22 | Рухсатномалар бюроси бошлиғи | 6 | 2 баравар |
| 23 | Рухсатномалар бюроси навбатчиси | 3 | 2 баравар |
| 24 | Кинолог | 6 | 1,5 баравар |
| 25 | Назорат ўтиш пункти назоратчиси, назоратчи | 4 | 2 баравар |
| 26 | Электромонтёр, қўриқлаш — ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси электромонтёри | 6 | 2 баравар |
| 27 | Уста | 6 | 2 баравар |
| 28 | Ўқчи | 3 | 2 баравар |
| 29 | Қоровул | 3 | 1,5 баравар |
| 30 | Хўжалик бекаси | 3 | - |
| 31 | Иш юритувчи | 3 | - |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 32 | Ҳудуд фарроши | 3 | - |
| 33 | Хизмат хоналари фарроши, ётоқхона фарроши | 2 | - |
| 34 | Боғбон | 3 | - |
| 35 | Чилангар-сантехник | 6 | - |
| 36 | Автомобиллар таъмирлаш бўйича чилангар | 6 | - |
| 37 | Ошпаз | 6 | - |
| 38 | Қозонхона оператори | 6 | - |
| 39 | Чорвадор | 3-6 | - |
| 40 | Насос қурилмаси оператори | 4 | - |
| 41 | Тозалаш иншоотлари ишчиси | 2 | - |
| 42 | Дурадгор | 2 | - |
| 43 | Ҳайдовчи* | Х | - |

зарур ҳолларда рўйхатда кўрсатилмаган лавозимларни юқоридаги мавжуд лавозимларга ва ЯТС бўйича белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш тариф разрядларига тенглаштириб, оширилган коэффициент қўлланган ҳолда киритилиши мумкин. Мутахассислар тоифасига ишлаб чиқариш ва маъмурий жараёнларни режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи ва назорат қилувчи, мураккаб техникага хизмат кўрсатувчи, ҳужжатларни ишлаб чиқувчи, ходимларни бошқарувчи, ташкилот фаолияти жараёнларини амалга оширувчи ва лавозимлари Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида назарда тутилган ходимлар киради. * Бандлик ва

меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2025 йил “___” ________даги ПҚ–____-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

1) **3-банд ўн иккинчи хатбошисидаги** “халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **4-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Фуқаролар мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда танлов асосида мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда хизматга қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, алоҳида ҳолларда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқароларни тўғридан-тўғри хизмат қабул қилиш ваколатига эга”;

3) 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Хизматга 170 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар ва 165 сантиметрдан паст бўлмаган аёллар қабул қилинади”;

4) **10-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Номзодларни хизматга танлаб олиш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

дастлабки ўрганиш;

интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш;

тест синови (номзодларнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, ҳуқуқшунослик ва тарбия фанлари бўйича билимларини баҳолаш);

жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш.

Тор ихтисослик бўйича мутахассислар қаторидан бўлган номзодлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда танловларсиз хизматга қабул қилиниши мумкин”;

5) **11-банд** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш ички ишлар органларининг кадрлар бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Номзоднинг тегишли ҳужжатларини йиғиш жараёнида унга бир пайтнинг ўзида хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида ҳарбий-тиббий комиссия кўригидан ўтиш учун йўлланма берилади.”;

f) **15-банддаги** “саралаш босқичидаги тест синови ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

g) **17 банддаги** “Ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган, шунингдек,” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

h) **32-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Бошланғич касбий тайёргарлигидан ўтиб, ички ишлар органларининг офицерлар таркиби лавозимларига тайинланган ходимларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда «катта сержант» махсус унвони берилади, бу унвонда улар дастлабки синов муддати тугаб, офицерлик унвони берилгунига қадар хизмат олиб борадилар”;

i) **48-банд иккинчи хатбошисидаги** ““сержант” махсус унвонига,” деган сўзлардан кейин ““биринчи сержант”, “штаб-сержант”, “мастер-сержант” ҳамда “сержант-майор” ҳарбий унвонлари “катта сержант” махсус унвонига” сўзлари билан тўлдирилсин;

j) **58-банднинг**:

“лавозим вазифасини бажаришнинг узлуксиз муддати олти ойдан ошмаслиги лозим”;

**“б”кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида, шунингдек ходимнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганида 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири рухсати билан икки ойдан ошмаган муддатга пул таъминоти (охирги лавозими бўйича) сақланган ва хизмат стажини бир куни бир кунга ҳисоблаган ҳолда ички ишлар органлари ихтиёрига олиниши мумкин”;

**“д”кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

д) ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-

хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) ички ишлар органларида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига олиб келса ”;

**“е” кичик бандидаги** “кафедралар (факультетлар, цикллар, бўлимлар) раҳбарларидан ташқари” деган сўзлар “(кафедра, факультет, цикл, бўлимлар раҳбарларидан ташқари)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**“в” кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

k) **98 банднинг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

l) **144-банднинг “л” кичик бандидаги** “кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги;” деган сўзлар “кирганлиги;” деган сўз билан алмаштирилсин;

m) **148-банднинг биринчи хатбошисидаги** “лаёқатсиз деб топилганда” сўзларидан кейин “(ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида хизматдан бўшатиш ҳолатлари бундан мустасно)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **149-банддаги** “мумкин эмас” деган сўзлардан кейин “(ушбу Низомда назарда тутилган хизматдан бўшатиш асослари етарли бўлган ҳолатлар бундан мустасно)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **151-банд** қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи** ва **учинчи** хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ходим бўшашни режалаштирган кунига қадар раҳбар томонидан унинг ўрнига муносиб кадр танлаши, асосий ва қўшимча таътиллар берилиши ёки ходим тиббий кўрикдан ўтиши мумкин бўлади.

Ходимнинг билдиргисида кўрсатилган санадан уни ушбу Низомда назарда тутилган асослар бўйича хизматдан бўшатиш ҳақида ваколатли раҳбар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши мумкин.”;

16) **152-банд:**

“Ходим кадрлар билан ишлаш бўлинмаларидан хизматдан бўшатилганлиги ҳақида буйруқни ёки ёзма хабарни олиши билан моддий ва ишониб берилган мулкни ҳамда хизмат юзасидан бириктирилган воситаларни топшириш чораларини кўриши шарт. Шундан сўнг унга меҳнат дафтарчаси расмийлаштириб берилади.”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

биринчи хатбошисидаги “олий-ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш” деган сўзлардан кейин “(ҳарбий унвон берилган кундан бошлаб)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4060-сон қарорида:

1) **1-бандда:**

2) **Муқаддиманинг учинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти ҳудудий бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

с) **2-бандда:**

**“б” кичик банди биринчи хатбошидаги** “Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**“а” кичик бандидаги** “«Qo‘riqlash Servis» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «Qo‘riqlash Servis» ДУК)” сўзлари “«Қўриқлашнинг техник воситаларини жорий қилиш илмий-тадқиқот маркази»” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – «Илмий тадқиқот маркази» ДМ)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти (кейинги ўринларда — Қўриқлаш департаменти) таркибида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:”

**“б” кичик бандининг иккинчи** ва **учинчи хатбошиларидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4) **6-бандда:**

**иккинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошидаги** “Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошидаги** “Қўриқлаш бош бошқармасига” сўзлари “Қўриқлаш департаментига” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) **8-банддаги** “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ўқув марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 3 мартдаги ПҚ–5016-сон қарорида:

1) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўқув марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;

2) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри «Хўжайли» гузаридаги «Қизкетган» қўрғонида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 81416-ҳарбий қисми ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ўқув марказини ташкил этиш”;

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жиззах ўқув марказини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах минтақавий ўқув марказига айлантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин”;

**бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Фарғона ўқув марказини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Фарғона минтақавий ўқув марказига айлантириш”

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги А.Қодирий кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси балансидаги Автохўжалик ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент минтақавий ўқув марказини ташкил этиш;”

**учинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

c) **2-бандда:**

ўнинчи хатбоши “Ўзбекистон Республикаси” сўзларидан кейин Ички ишлар вазирлиги ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

**биринчи хатбошидаги** “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

d) **4-бандда:**

**“д” кичик бандидаги** “Миллий гвардияси қўмондони” сўзлари “Ички ишлар вазири” сўзлари билан алмаштирилсин;

**“а”, “б”** ва **“г” кичик бандларидаги** “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**“а” кичик бандидаги** “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

e) **5-бандда:**

**учинчи хатбошидаги** “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошидаги** “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси қўмондонига” сўзлари “Ички ишлар вазирига” сўзлари билан алмаштирилсин;

f) **6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослашган ўқув маркази Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси оддий аскар ва

сержантлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчилар ва ходимларни тайёрлаш бўйича таянч бўлинма ҳисобланади”**;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти минтақавий ўқув марказларининг раҳбарлари ва педагогларининг илмий-педагогик фаолиятини умумий мувофиқлаштиради;

минтақавий ўқув марказларининг раҳбар ва педагоглар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Малака ошириш институтида ҳамда вазирлик ва идораларнинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади;

“6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

g) **7-банд учинчи хатбошидаги** “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

h) **8-бандда:**

**учинчи хатбошидаги** “Миллий гвардиясининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошидаги** “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан, “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

i) **81-банддаги** “Миллий гвардиясига” сўзлари “Ички ишлар вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 янврадаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 1-иловасида:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарорига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида низомнинг
**13-банди иккинчи хатбошисидаги** “раҳбар ва ходимлари” деган сўзлар “раҳбарлари” дегсн сўзлар билан алмаштирилсин.

1) **38-бандда** “департаменти” сўзларидан кейин, ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти, Қўриқлаш бошқармалари” сўзлари билан тўлдирилсин.

2) **37-бандида** “ҳибсхоналари” сўзларидан кейин “, қўриқлаш бўлим, бўлинмалари, Минтақавий ўқув марказлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 сентябрдаги “Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазасини кучайтириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сон қарорида:

1) **6-бандда:**

2) **1, 5-бандларидаги** “Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари тегишли келишикдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбоши иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**иккинчи, тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** чиқариб ташлансин;

с) **7-банди** қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи-олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Бошқарманинг ахборот тизимини кўллар тизимида ов қилиш, балиқ овлаш, ҳайвонот, ўсимлик дунёсидан, сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлар базасига интеграция қилинишини таъминласин”;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда Айдар-Арнасой кўллар тизими, унинг атрофида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазасини кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан ўзаро ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқсин ва амалга оширишини йўлга қўйсин;

“Экология вазирлиги тизими ходимларининг экологик мониторинг ва назорат тадбирларини амалга ошириш учун белгиланган ҳудудларга тўсқинликсиз кириши ва ушбу тадбирларда ҳамкорлик қилинишини таъминласин;

4) **қарорга илованинг номидаги** “Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон қарорига 17-илованинг **21-позициясидаги** “Миллий гвардиянинг Қўриқлаш бош бошқармаси маблағлари” деган сўзлар “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти маблағларидан 1 млрд сўм, қолган харажатлар Миллий гвардия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади” сўзлари билан алмаштирилсин.